

Ижобат бўлган дуо



07:45 / 14.03.2019 5058

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ҳар доим: “Эй Аллоҳ, менга Сенинг йўлингда шаҳодат топишимни насиб эт ва ўлимимни Расулингнинг шаҳрида қилгин!” деб дуо қилар эканлар.

Қизлари Ҳафса розияллоху анҳо: “Бу қандай бўлиши мумкин?” дер эканлар. Чунки Мадина тинч, омон шаҳар бўлиб, у ерда ҳеч қандай уруш, қон тўкилиш содир бўлмас эди.

Бу саволга ҳазрати Умар розияллоху анху: “Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, бу иш, албатта бўлади” деб жавоб берибдилар.

Аллоҳ таоло Умар розияллоху анхунинг бу дуоларини ижобат қилди ва у киши Мадинада шаҳид этилдилар.

Шайх Муҳаммад Хайр Шаъьол

